ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ИСАБАЕВА МАШХУРА МУХИДДИНОВНА

БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ КЎНИКМАЛАРИНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ ТИЗИМИ (5–9-СИНФЛАР МИСОЛИДА)

13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

УДК 37; 371; 57; 61

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Исабаева Машхура Мухиддиновна
Биологияни ўқитишда ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш тизими (5–9-синфлар мисолида) 3

Исабаева Машхура Мухиддиновна
Система формирования навыков здорового образа жизни у учащихся при обучении биологии (на примере 5–9-х классов) 23

Isabaeva Mashkhura Mukhiddinovna
A system of formation of pupils' healthy lifestyle skills in teaching biology (on the example of Grades 5–9) 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 45

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.28.12.2017.Ped.01.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ИСАБАЕВА МАШХУРА МУХИДДИНОВНА

БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ КЎНИКМАЛАРИНИ ТАРКИБ ТОПТИРИШ ТИЗИМИ (5–9-СИНФЛАР МИСОЛИДА)

13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Ped248 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Толипова Жамила Олимжоновна,** педагогика фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Шарипова Диляра Жуманиязовна,** педагогика фанлари доктори, профессор
	Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна, педагогика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент кимё-технология институти, Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.Ped.01.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-35; факс: (+998) 71-246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+998) 71-246-67-71; факс: (+998) 71-246-02-24.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____куни тарқатилди.

(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.М.Арипов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
раиси, ф-м.ф.д., профессор

Д.М.Махмудова
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.ф.д (PhD), доцент

М.Тўхтасинов
илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
ф-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ёшлар саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш таълим-тарбия жараёнининг муҳим стратегик йўналиши сифатида барқарор тараққиётни таъминлайдиган асосий омил сифатида эътироф этилган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳамкорлигидаги Бутунжаҳон таълим муаммолари форумининг 2030 йилгача қабул қилинган таълим концепциясида "таълим-тарбия тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етакловчи муҳим фаолият"[1] эканлиги долзарб вазифа этиб белгиланди.

Жаҳон миқёсида таълим-тарбия сифатини ривожлантириш, ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришнинг ижтимоий-биологик ва педагогик-психологик асосларини тадқиқ этишга оид илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Соғлом турмуш тарзи мазмунини ўзлаштириш имконини берувчи илмий ёндашувлар, шунингдек, таълим-тарбия жараёнининг инновацион технологиялар ҳамда фаол метод ва воситалар асосида ўқитилиши ўқувчиларнинг саноген тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Республикамизда умумий ўрта таълим тизимини инновацион педагогик ёндашувлар асосида ислоҳ қилиш, ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш ва ривожлантиришнинг ўқув-услубий таъминотини мустаҳкамлашга кенг имкониятлар яратилмоқда. Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида "биология фанларини чуқур ўрганишга мўлжалланган дидактик материаллар ва мультимедиа маҳсулотларининг янги авлодларини яратиш, ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват шаклланишини таъминлаш, умумтаълим мактаб ўқувчилари учун соғлом овқатланиш тамойилларини оммалаштириш"[2] каби устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифаларга асосланиб, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг концептуал асослари мазмунини аниқлаш, ўқувчиларни аддиктив хулқдан ҳимояланиш ва ўз ҳаётий фаолиятини тўғри таҳлил қилишга ўргатиш орқали уларнинг витаген ва саноген тафаккурини ривожлантириш, инновацион таълим технологияларига асосланган методик тизимни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш

---

[1] Incheon Declaration Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. / http://uis.unesco.org/sites/default/files/

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5712-сонли Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари базаси: http://lex.uz/docs/4312785

тўғрисида”ги 187-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Республикамизда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг экологик-гигиеник маданиятини ривожлантириш, уларни соғлом турмуш тарзи омилларига амал қилиш асосида оилага тайёрлаш каби масалалар Ф.Ю.Абдурахимова, М.Ахмедова, А.Т.Ғофуров, О.Р.Жамолдинова, А.Е.Исимова, Т.У.Исмоилов, М.О.Инамова, Ш.Б.Иргашев, О.Мусурмонова, М.Махмудова, У.И.Махкамов, И.Д.Мажжонов, С.Нишонова, Н.Ш.Ниёзова, К.Д.Ризқулова, К.Содиқов, Г.У.Салихова, С.Т.Турсунов, Г.Ж.Туленова, М.Р.Тиловов, Т.М.Усмонхўжаева, Т.М.Уматқулов, Н.У. Ўринбоев, Ф.Холдибекова, Д.Р.Холиқов, Х.О.Шайхова, Ғ.Б.Шоумаров, Д.Ж. Шариповалар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида соғлом турмуш тарзини ташкил этишда гигиеник ва жинсий тарбиянинг моҳияти, валеологик тушунчалар, ўсмир қиз ва ўғил болалар шахсий гигиенасини ташкил этишнинг илмий педагогик жиҳатлари Н.П.Абаскалова, Ю.К.Бабанский, Л.Н.Башмакова, И.И.Брехман, П.Л.Дрибинский, С.А.Дружилов, М.П.Дорошкевич, А.Е.Завьялов, А.Д.Карабашева, С.А.Лядова, И.Я.Лернер, А.И.Мартыненко, Е.В.Миронова, Е.А.Меньш, М.А.Нашкевич, А.А.Ошкина, И.Б.Страхова, Б.М. Шапиролар ишида ўз аксини топган.

Хорижлик R.Bunton, G.Macdonald, K.Tones, S.Tilford, S.Garman, A.Scriven каби олимлар томонидан соғлом турмуш тарзини ташкил этишда инсон саломатлигини муҳофаза қилиш педагогикасини тарғиб қилиш, уларда соғлом турмуш тарзига нисбатан мотивацияни юзага келтириш ва саломатликни сақлашнинг ижтимоий-биологик ва психологик-педагогик асосларини ривожлантириш йўллари илмий асослаб берилган.

Мамлакатимиз ва хорижда олиб борилган илмий тадқиқотлар ва илмий-методик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид муаммоларни ҳал этишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилган. Бироқ умумий ўрта таълим мактабларида биологияни ўқитишда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш муаммоси ўзининг илмий-амалий ечимини топмаган. Зеро, бизга қадар олиб борилган тадқиқотлар моҳиятини чуқур ўрганиш биологияни ўқитишда ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўник-

маларини таркиб топтиришнинг методик тизимини ишлаб чиқиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг илмий-техника дастурлари бўйича ПЗ-2014-0910185149 давлат қайд рақами билан рўйхатдан ўтган “Умумий ўрта таълим тизимида ўқувчиларнинг компетенцияларини шакллантиришга йўналтирилган таълим технологиялари” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади биологияни ўқитишда ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биология ўқитиш методикасининг ўқитиш қонуниятлари ва тамойиллари асосида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг концептуал асослари мазмунини аниқлаштириш;

биологиядан дарс, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг методик тизимини такомиллаштириш;

компетенциявий ёндашувга асосланиб, ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларининг таркиб топганлик даражасини аниқлашда дидактик топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш;

ўқувчиларда инновацион технологиялар асосида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактабларида биология фанларини ўқитиш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри, Фарғона ва Жиззах вилоятларидаги 741 нафар ўқувчи жалб этилган.

Тадқиқотнинг предмети: биологияни ўқитишда ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш мазмуни, шакли, метод ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида муаммога доир психологик, педагогик адабиётлар ҳамда соҳага оид ўқув-меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, кузатиш, суҳбат, анкета, сўровнома, педагогик тажриба-синов натижаларини математик-статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг концептуал асослари биология ўқитиш методикасининг қонуниятлари ва тамойиллари (илмийлик, кўргазмалилик, таълим-тарбия узвийлиги, онглилик, ўқитишни табақалаштириш ва индивидуаллаштириш, инсонпарварлаштириш) асосида аниқлаштирилган;

биологиядан дарс, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда ўқитишнинг фаол методлари (таҳлилий, қиёсий, мантиқий, мустақил ишлаш, муаммоли изланиш) ва воситалари (дидактик тарқатмалар, ўқув-

услубий қўлланма, мультимедиали ресурс воситаси) асосида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг методик тизими такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзи кўникмаларини эгаллаганлик даражаси ностандарт тест топшириқлари (репродуктив, продуктив, адаптив ва креатив)дан фойдаланиш асосида аниқлаштирилган;

ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг дидактик функциялари (билимларни тиклаш, билимларни янгилаш, билимларни коррекциялаш, билимларга амал қилиш, башорат қилиш) витаген, рефлексив, саломатликни сақлаш ва саноген тафаккурни ривожлантирувчи таълим технологиялари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

биологик таълим жараёнида ахборот ва педагогик технологияларни қўллаш орқали “Соғлом турмуш – соғлом ҳаёт” номли мультимедиали электрон ресурс воситаси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

биологиядан дарс, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш бўйича дарс ишланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

биология ўқитувчилари учун “Биологияни ўқитишда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш методикаси” номли услубий қўлланма, “Саломатлик” услубий мажмуаси, ўқувчилар учун “Саломатлик дафтари” ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий анжуман материаллари, ОАК рўйхатига киритилган ва бошқа хорижий илмий журналларида мақолалар чоп этилганлиги, педагогик тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида асосланганлиги, ўқув-услубий қўлланмалар асосида дарсларни олиб бориш методикаси бўйича ишлаб чиқилган хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биологияни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг методик тизими, соғлом турмуш тарзини таркиб топтириш жараёнлари дидактик функцияларининг аниқланганлиги, ўқитишнинг барча шаклларида витаген, рефлексив, саломатликни сақлаш таълим технологиялари ва саноген тафаккурни ривожлантирувчи таълим технологияларнинг татбиқ этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса биологияни ўқитишда ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш тизими, тадқиқот жараёнида ишлаб чиқилган тавсиялар, методик қўлланма, саломатлик таълими технологиялари, услубий мажмуа, “Саломатлик дафтари”, дарсдан ташқари ишлар дастури ва электрон ресурс воситаларидан умумий ўрта

таълим мактаби ўқитувчилари, тадқиқотчилар ва биология соҳаси бўйича бакалавр таълим йўналишлари талабалари фойдаланиш имкониятига эга бўлганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Биологияни ўқитишда ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш тизими бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг концептуал асослари, ўқитиш методикасининг қонуниятлари ва тамойиллари ҳамда биологиядан дарс, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотларда ўқитишнинг фаол методлари ва воситаларидан фойдаланишга оид таклиф ва тавсиялар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 187-сонли қарори билан тасдиқланган умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Республика таълим марказининг 2019 йил 16 декабрдаги 01/11-01/6-2628-сонли маълумотномаси). Натижада, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш тизими ўқувчиларда таҳлилий, қиёсий, мантиқий фикрлашни ҳамда уларнинг витаген ва саноген тафаккурини ривожлантириш имконини берган;

ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзи кўникмаларини эгаллаганлик даражасини аниқлаштириш бўйича ностандарт тест топшириқларига доир таклифлардан "Биологияни ўқитишда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш методикаси" (2012 й.) номли услубий қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Республика таълим марказининг 2019 йил 16 декабрдаги 01/11-01/6-2628-сонли маълумотномаси). Мазкур методик таъминот биология ўқитувчилари учун ўқув машғулотларида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришни мақсадга мувофиқ ташкил этиш учун амалий-методик асос бўлиб хизмат қилган;

ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг дидактик функциялари, витаген, рефлексив, саломатликни сақлаш ва саноген тафаккурни ривожлантирувчи таълим технологияларига оид таклифлар ФЗ-2016-0910202206-рақамли "Вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка мойил ўқувчиларни тарбиялашнинг ижтимоий-педагогик технологиялари" мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида амалиётга татбиқ этилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 20 июндаги 01-02/2-2-198-сонли маълумотномаси). Натижада, ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзи кўникмаларини эгаллаш жараёни самарадорлигини оширишга ҳамда биология ўқитувчилари учун муаммога тааллуқли машғулотларни мақсадга мувофиқ ташкил этишга амалий-методик асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та МДҲ давлатлари, 10 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий-услубий иш, жумладан, 2 та услубий қўлланма чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси-

нинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил этилган ва умумлаштирилган, хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Биология таълими жараёнида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг назарий асослари”** деб номланган бўлиб, унда биология таълими жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш муҳим педагогик муаммо сифатида илмий таҳлил этилган, ўқитиш қонуниятлари ва тамойилларига таянилган ҳолда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг концептуал асослари ҳамда мазкур жараённинг мантиқий структураси хусусида сўз юритилган.

Соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг концептуал асосларида ўқувчилар онги ва қалбига миллий мафкуранинг етакчи ғояларини сингдириш орқали уларни баркамолликка йўналтириш, таълим олиш ва касбга самарали йўллаш асосида Ватан равнақига ҳисса қўшиш, ўзида миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш орқали миллатлараро тотувликни сақлаш, ўқувчиларнинг ўз ва ўзгалар саломатлигини асраш, ҳаёти давомийлигига таҳдид солувчи омилларни билиш, яъни аддиктив хулқдан ҳимояланиш иммунитетини ривожлантириш зарурлиги назарда тутилади.

Соғлом турмуш тарзи кўникмаларининг концептуал асосларини педагогик тизимга жорий этиш голографик ёндашувни талаб этади. Голографик ёндашув таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларга кенг қамровли билимлар ва ҳаётий тажрибалардан сабоқ берадиган ўқув материалини етказиш баробарида дидактиканинг назария ва амалиёт бирлиги саналиб, кундалик ҳаётда учрайдиган муаммоли вазиятларни ҳал этишга замин тайёрлайди ва ўрганиладиган мавзуни баён этишда қуйидаги 3 та омилни ўзида бирлаштиради:

1. Витаген омил. Бу витаген (ҳаётий тажрибага асосланган) ахборот бўлиб, дидактик мақсадларга мувофиқ танланган ва методик ишлов берилган янги мавзуни ўрганиш жараёнида ўқитувчи томонидан фойдаланишга мўл-

жалланган ўқув материали саналади. Витаген тажрибалар деганда ўқувчининг ўзлаштирган, хотирасида муҳрланган, зарур ҳолларда фаоллаштириш ва амалиётга қўллашга тайёр бўлган маълумотлар йиғиндиси тушунилади.

2. Дидактик омил. Бу ўқитувчи томонидан ўқувчиларга таълим мазмуни, ўқитиш воситалари, методлари узвийлигида етказиладиган витаген ахборот ҳисобланади.

3. Конструктив омил. Бу соғлом турмуш тарзи ва витаген тажрибага оид қўшимча адабиётлар ва фанлар (педагогика, психология, ёш физиологияси ва гигиенаси, валеология, биология) интеграциясига доир ўқув материалидан фойдаланиш саналади.

Голографик ёндашувда ўқувчи шахсининг кўп қиррали тасаввур қилиниши муҳим аҳамият касб этиб, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини мукаммал ўзлаштириш ва саноген тафаккурни ривожлантириш имконини беради. Тадқиқот давомида соғлом турмуш тарзи кўникмалари ҳаётий (витаген) тажрибага айланишини эътиборга олган ҳолда унинг 4 та босқичи аниқланди.

Когнитив босқич − соғлом турмуш тарзига оид витаген маълумотларни пассив ўзлаштиради, бу босқичда ўқувчиларда берилаётган маълумотларни келгусида қайси мақсадда фойдаланиши ҳақида тасаввури бўлмайди. Маълумотлар репродуктив даражада ўзлаштирилади.

Адаптив босқич − ўқувчилар ўзлаштирилаётган маълумотлар асосида муҳитга мослашади, соғлом турмуш тарзи кўникмаларига зид бўлган ҳолатларнинг олдини олишга ҳаракат қилади. Продуктив даражада мустақил иш топшириқлари ўқувчилар томонидан ўрганилган ҳаётий жараёнларни таҳлил қилиш, синтезлаш, таққослаш, қиёслаш, аввал ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш ва умумлаштириш орқали хулоса ясашига замин тайёрлайди.

Функционал босқич − соғлом турмуш тарзига доир берилаётган маълумотларни ўрганиш жараёнида ўқувчилардан қисман изланишли даражадаги ўқув топшириқлари, аввал ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни янги кутилмаган вазиятларда қўллаш ҳамда ҳаётий жараёнларни таҳлил қилиш, синтезлаш, қиёсий таққослаш ва умумлаштириш орқали ижодий фикр юритиш талаб этилади.

Аксиологик босқич − ўқувчилардан соғлом турмуш тарзига оид ўзлаштирилган билим, кўникма ва малакаларни кутилмаган вазиятларда вужудга келтирилган ўқув муаммоларни ҳал этишда қўллаш, ақлий (таҳлил этиш, синтезлаш, қиёсий таққослаш, умумлаштириш, хулоса ясаш) ва мантиқий (индукция, дедукция, бош муаммони ажрата олиш) операцияларни бажариш талаб этилади.

Ушбу витаген босқичлар эса биологияни ўқитиш тамойилларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш заруриятини белгилайди. Шуни қайд этиш керакки, ўқитиш тамойиллари биология ўқитишнинг барча шаклларида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш методлари, воситалари ва шаклларини тизимли ташкил этишни тақозо этди.

Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг тизимли ташкил этишнинг дидактик асослари этиб гигиеник, экологик,

эстетик, меҳнат, жисмоний, жинсий, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбияси муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланган бўлиб, мазкур тарбия турларидан ўқитишнинг барча шаклларида самарали фойдаланиш таълим-тарбия узвийлигида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш имкониятини яратади.

Тадқиқот давомида голографик ёндашувлар асосида одам организмининг саломатлик кўрсаткичлари, соғлом турмуш тарзи меъёрлари, саломатликка зарар етказувчи омилларга оид тушунчалар шарҳланди. Соғлом турмуш тарзининг таркибий қисмлари сифатида ўқувчилар ёш даврдан бошлаб: атроф-муҳит омилларининг одам саломатлигига кўрсатадиган хавфсиз ва қулай муҳитда яшашнинг афзаллиги; аддиктив хулқ (чекиш, гиёҳванд моддалар қабул қилиш, спиртли ичимликлар ичиш)ларнинг зарари ва улардан воз кечишнинг афзаллиги; соғлом овқатланиш (организмнинг фаол физиологик хусусиятларига оқсиллар, витаминлар, углеводлар, сув ва минерал тузларнинг етарли даражада бўлиши) қоидаларига амал қилиши; патоген тафаккур − руҳий тушкунлик, агрессив, депрессия ҳолатининг олдини олиши ва улардан чиқиш йўлларини билиши (аксарият ўсмирлик давридан балоғат ёши ўртасидаги ўтиш даврида кузатилиши ва мустаҳкам ирода билан енга олиш чоралари); фаол ҳаракат − махсус жисмоний машқларни бажариши; шахсий ва жамоат жойларида гигиеник талабларга амал қилиши, саломатликни асраш ва мустаҳкамлашга оид тиббий-гигиеник кўникмаларини эгаллаши муҳим аҳамиятга эга, деган хулосага келинди. Ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзи омилларига кўникма асосида амал қилиши зарарли таъсир кўрсатувчи омиллардан онгли равишда ҳимояланиш ва биологик саломатликни таъминлашга асос бўлади. Мазкур жараён биология таълимида соғлом турмуш тарзи мазмунини қуйидагича изоҳлаш заруратини келтириб чиқарди:

Соғлом турмуш тарзи – организмнинг эмбрионал ривожланиш давридан бошлаб, ёшга оид даврларида бўладиган анатомик, морфологик ва физиологик жараёнларига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар йиғиндисидан иборат бўлиб, шахснинг ақлан, маънан ва жисмонан соғлом бўлиши, ўзининг ва ўзгаларнинг саломатлигини сақлаш ва турмуш тарзини онгли равишда ташкил этишга асос бўлувчи билим, кўникма ва малакалар мажмуасидир.

Биологик нуқтаи-назардан ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзи омилларига кўникма асосида амал қилишини қуйидаги технологиялар ёрдамида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб белгиланди:

1. Витаген технологиялар – шахснинг ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари кундалик ва амалий фаолиятидаги кузатиш натижалари ва ҳаётий тажрибаларини фаоллаштиришга йўналтиради. Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришда витаген маълумотлар таҳлилий, мантиқий, қиёсий ва кенг қамровли фикрлашга имкон беради.

2. Рефлексив технологиялар – ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўзини баҳолаш, “ўзининг ички дунёсига назар ташлаш”, аддиктив хулқ ва патоген тафаккурдан ҳимояланишга ўргатади. Соғлом турмуш тарзи кўникмаларини эгаллаш жараёнида ўқувчилар мустақил равишда ўз саломатлиги, ҳиссиётини

намоён этади, ўз фаолиятини баҳолайди. Ўқувчилар ўқув муаммоларининг асосий ғоясини англайдилар, аввал ўзлаштирган билимларини эслайдилар ва муаммони ҳал этишда улардан фойдаланадилар, яъни янги кутилмаган вазиятда қўллайдилар.

3. Саломатликни сақлаш таьлим технологиялар – организмнинг биологик саломатлигини сақлашга қаратилган назарий тушунчалардан фойдаланиш орқали амалий кўникмалар шакллантириб борилиши назарда тутилади. Биология дарсларида “Саломатлик дақиқаси”ни ташкил этиш, дарсдан ташқари “Саломатлик бурчаги”да амалий характердаги ўқув топшириқларини бажаришга ўргатиш (суяк синганда ва шикастланганда биринчи ёрдам кўрсатиш ва ҳ.к.) орқали саломатликни сақлаш кўникмалари ривожлантирилади. Мазкур жараён дидактик воситалар: дарслик, ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар, саломатлик журналлари, мультимедиали ресурс воситалари ва саломатликни сақлашга оид маълумотлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

4. Саноген тафаккурни ривожлантирувчи таълим технологиялар – одобахлоқ қоидаларига зид бўлган хулқ-атворни коррекциялашга қаратилган бўлиб, ўқувчиларни аддиктив хулқдан ҳимоялаш, соғлом турмуш тарзига оид маънавий-маърифий тадбирлар, соғломлаштирувчи спорт тадбирларини ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзи юзасидан олган билимларини ҳаёт фаолияти давомида қўлай олишга, ўзини ва ўзгалар саломатлигини сақлашга ўргатади.

Ушбу технологиялар бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, ўқитишнинг барча шаклларида уларга амал қилиш заруратини келтириб чиқарди.

Диссертациянинг **“Биологияни ўқитиш жараёнида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг методик асослари”** деб номланган иккинчи бобида биологияни ўқитишда ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш жараёнининг методик тизими витаген, валеологик, аксиологик ёндашувлар асосида, ўқитишнинг фаол методлари (таҳлилий, қиёсий, мантиқий, мустақил ишлаш, муаммоли изланиш) ва воситалари (кўргазмали воситалар, дарс ишланмалари, ўқув-услубий қўлланмалар, мультимедиали воситалар)дан мақсадга мувофиқ фойдаланиш асосида такомиллаштирилган.

Биологиядан соғлом турмуш тарзи кўникмаларининг дидактик функциялари (билимларни тиклаш, янгилаш, коррекциялаш, уларга амал қилиш ва башорат қилиш)ни амалга оширадиган таълим технологиялари (витаген, рефлексив, саломатлик таълим технологиялари, саноген тафаккурни ривожлантирувчи таълим технологиялари) аниқланган. Тадқиқот ривожида дарс типи ва турларини аниқлаш, дарс мақсадларини белгилаш ва соғлом турмуш тарзига оид қўшимча материаллар билан бойитишдан иборат бўлди. Ўқитувчининг педагогик фаолияти амалга ошириладиган ишлар мазмунида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш ва ривожлантиришнинг методик тизими такомиллаштирилди (1-расм).

1-расм. Биологияни ўқитишда ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришнинг методик тизими

Ушбу методик тизимга мувофиқ ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш жараёни голографик ёндашувнинг витаген, конструктив, дидактик омиллари асосида қуйидагича амалга оширилди:

биологияни ўқитишда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш мазмуни, шакли, методи ва воситалари уйғун равишда танланди;

ўқувчиларда таянч, умумий ва фанга доир хусусий компетенцияларни таркиб топтиришда Блум таксономиясининг ўқув мақсадлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у соғлом турмуш тарзи ҳақида билиш, тушуниш, амал қилиш, таҳлил қилиш, синтез қилиш ва хулосалашга ўргатиш орқали амалга оширилди;

дарс самарадорлигини ошириш ва соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришда жадваллар, схемалар, фаол методлар (таҳлилий, қиёсий, мантиқий, мустақил ишлаш, муаммоли изланиш), витаген, рефлексив, саломатликни сақлаш ва саноген тафаккурни ривожлантирувчи таълим технологиялардан фойдаланилди;

соғлом турмуш тарзи юзасидан назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида ностандарт тестлар, дидактик тарқатма материаллар тайёрланди;

биология дарсларида ўқувчининг саломатлигини асраш, ҳиссий мотивлари, жисмоний ва ахлоқий ривожланиш даражасини оширишда “саломатлик дақиқаси” ташкил этилди, ўқувчиларнинг ўқув-билиш фаоллигини оширишда “Саломатлик” иш дафтаридан унумли фойдаланиш соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтиришга асос бўлди. Мазкур жараёнда “Одам ва унинг саломатлиги” ўқув фанидан инновацион технологиялар асосида дарс ишланмаси лойиҳаланди, дарснинг технологик харитаси ва модули ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида “Соғлом турмуш тарзи ва экологик” компетенцияда белгиланган мақсад ва вазифаларга биноан биология таълими мазмунида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш имкониятлари аниқлаб олинди. Аниқланган таълим мазмунида ўқувчиларда биологик компетенцияларни таркиб топтириш босқичларида фойдаланиладиган ўқув топшириқлари, назорат қилиш учун фойдаланиладиган ностандарт тест топшириқларининг турлари ва уларнинг мураккаблик даражалари ўз аксини топган.

Дарсдан ташқари ишлар учун витаген ва валеология маълумотларига асосланган 5–9-синфлар учун “Соғлом турмуш тарзи асослари” махсус ишчи дастури, биология тўгарагининг намунавий иш режаси ишлаб чиқилган бўлиб, уларда ўқувчиларнинг витаген ва саноген кўникмаларини ривожлантириш мазмуни қамраб олинган. Шунингдек, Давлат таълим стандартида белгиланган “Соғлом турмуш тарзи ва экологик” компетенцияга амал қилишга асосланган “Саломатлик” ўқув мажмуаси, 8-синф учун “Саломалик дафтари” ва “Соғлом турмуш ва соғлом ҳаёт” номли электрон ресурс воситасининг ишлаб чиқилиши биологик таълимда ўқувчиларни аддиктив хулқдан ҳимоялаш ва витаген маълумотларга эга бўлиш асосида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш самарадорлигини оширишга замин тайёрлади.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси”** деб номланган учинчи бобида ўқувчиларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини ривожлантиришга доир тажриба-синов ишларининг мазмуни ва методикаси ёритилган.

Тадқиқот муаммосининг ижобий ечимини таъминлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг мақсадига биноан биологияни ўқитишда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини таркиб топтириш тизимига қаратилган амалий фаолият мазмуни ишлаб чиқилди. Тадқиқот муаммоси доирасида олиб борилган илмий тадқиқотлар педагогика ва биология ўқитиш методикаси соҳасида яратилган методик қўлланмалар ва тавсиялар мазмуни билан назарий танишиб чиқиш, тажриба-синов ишларини мақсадга мувофиқ ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида олиб борилганлиги, тажриба-синов майдонларида педагогик шароитлар мавжудлиги, сифат даражасини белгиловчи мезонларнинг ишлаб чиқилиши олинган натижаларнинг математик статистика таҳлили билан таъминлаш имконини берди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичда амалга оширилди:

1) асословчи, ташхис ва башорат қилиш босқичи – 2012–2014 йиллар (педагогик диагностика объектлари белгиланди; муаммо мавзуси шакллантирилди; тажриба-синов мақсади, илмий фарази ҳамда вазифалари белгиланди; тажриба-синов ўтказиш дастури ишлаб чиқилди);

2) шакллантирувчи босқич – 2014–2016 йиллар (таъкидловчи, шакллантирувчи ва назорат қилувчи тажриба-синов ишларидан иборат бўлиб, тажриба-синов ишлари гуруҳларда босқичма-босқич амалга оширилди);

3) таъкидловчи босқич – 2016–2018 йиллар (тажриба-синов ишлари натижаларининг алгоритми ишлаб чиқилди).

Тадқиқот ишига жами 1459 нафар ўқувчи танлаб олинди. Шундан тажриба гуруҳида 741 нафар, назорат гуруҳида эса 718 нафар ўқувчи қатнашди. Тажриба-синов ишлари давомида биология ўқитувчилари билан эксперт сўрови ўтказилди (анкета сўровлари, суҳбат, кузатиш ва ҳ.к. сўров усуллари); дарс, дарсдан ташқари ишлар ва синфдан ташқари машғулотлар кузатилиб таҳлил қилинди; ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзига оид шахсий фикрлари, билим ва кўникмалари саволнома асосида назоратдан ўтказилди. Олинган натижалардан дарсдан ташқари тажриба майдончаси, тирик табиат бурчагидаги ишлар ҳамда синфдан ташқари ташкил этиладиган биология фан тўгаракларининг талаб даражасидаги метод ва воситалар асосида олиб борилиши тўлиқ йўлга қўйилмаётганлиги аниқланди. Тадқиқот муаммоси назарий асосланди, унинг мақсади, услубий ёндашувлари ҳамда етакчи ғоялари белгиланди, ишчи фарази ишлаб чиқилди, тадқиқот вазифалари шакллантирилди. Дастлаб, ўқитувчиларнинг тайёргарлигини ошириш мақсадида 5 кунлик дастур асосида семинар-тренинг ташкил этилди. Семинар-тренинг жараёнида кўргазмали қуроллар, мавзуларга оид слайдлар, рангли проекцион расмлар, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ҳақидаги кинолавҳалар, турли хил тарқатма материаллар, соғлом турмуш тарзига оид ахлоқ ва одоб ҳақидаги ҳикматли

ҳадислардан намуналар, илмий мақолалар, Интернет маълумотларидан фойдаланилди.

